

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ НУЗУРИДАГИ ТЕМИР  
ЙЎЛЛАРДА ЙУК ВА ЙЎЛОВСНИЛАР ТАСНИСН ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ  
ҚИЛИСН ИНСПЕКЦИЙАСИ**

**“Ўзтемирйўлназорат” инспекцияси Бухоро филиали локомотив хўжалиги бўйича бош  
инспектори А.А.Косимов томонидан шохобча темир йўл ва ҳаракат таркибига эга бўлган  
ташкilot ва тадбиркорлар учун қўлланма.**

## **Қўлланма**

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги 537-сон қарорига **“Фойдаланишга топшириладиган ҳаракатдаги темир йўл таркиби хавфсизлиги тўғрисида”** умумий техник регламент қўлланма сифатда тавсия этилади.

1. Фойдаланишга топшириладиган ҳаракатдаги темир йўл таркиби хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент (кейинги ўринларда — Техник регламент) аҳоли ҳаёти ва саломатлигини, атроф муҳитни, юридик ва жисмоний шахслар, давлатнинг мол-мулкани ҳимоя қилиш мақсадида фойдаланишга топшириладиган ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмларига қўйиладиган хавфсизлик талабларини белгилайди.

2. Ҳаракатланиш тезлиги 200 км/соатгача бўлган, йўл изининг кенглиги 1520 mm бўлган умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларида фойдаланиш учун топшириладиган четдан олиб келинадиган, янги ишлаб чиқариладиган, модернизация қилинадиган ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмлари Техник регламентни тартибга солиш объектлари ҳисобланади.

3. Мазкур Техник регламент талаблари ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқаришда, шунингдек, темир йўл маҳсулоти мувофиқлигини баҳолашда мажбурийдир ҳамда умумий фойдаланишдаги темир йўлларда ва идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларида қўлланилади.

Мазкур Техник регламент талаблари ушбу регламентга **иловадаги** рўйхатда келтирилган ҳаракатдаги темир йўл таркиби ҳамда унинг таркибий қисмларининг тури ва тоифаларига татбиқ этилади.

4. Мазкур Техник регламент талаблари ҳаракатланиш тезлиги 200 км/соатдан юқори бўлган ҳаракатдаги темир йўл таркиби, шунингдек, кўргазма нухалари сифатида ишлаб чиқарилган темир йўл маҳсулотларига нисбатан татбиқ этилмайди

6. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмларини лойиҳалаштиришда ҳисоб-китоб, тажриба ва экспертлаш йўли билан, шу жумладан, ўхшаш темир йўл маҳсулотидан фойдаланиш бўйича маълумотлар асосида хавфлилик даражаси баҳоланиши лозим. Хавфлилик даражасини баҳолаш усуллари мувофиқликни баҳолаш (тасдиқлаш) мақсадлари учун қўлланиладиган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланиши мумкин.

7. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмларининг хавфсизлиги:

а) ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмларини лойиҳалаштиришда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш;

б) синовдан ўтказилган техник ечимларни қўллаш;

в) ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмларининг белгиланган хизмат муддатлари ва (ёки) ресурсларини белгилаш, шунингдек, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни зарур даврийлик билан ўтказиш;

г) синовдан ўтказилган услубиётларга асосланган ҳисоб-китоблар комплексини ўтказиш;

д) фойдаланиш параметрлари ва шартларидан келиб чиқиб ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқаришда қўлланиладиган материаллар ва моддаларни танлаш;

е) ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмларининг чегаравий ҳолатлари мезонларини белгилаш;

ж) ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмларини утилизация қилиш шартлари ва усулларини аниқлаш;

з) ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмлари мувофиқлигини баҳолаш орқали таъминланади.

8. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмлари мустаҳкамлиги, барқарорлиги ва техник ҳолатига кўра поездларнинг йўл қўйилган кўрсаткичлар чегарасидаги энг юқори тезликлар билан хавфсиз ҳаракатланиши таъминлаши лозим.

9. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмлари:

- а) ҳаракатдаги темир йўл таркиби габаритларига риоя қилинишини;
- б) ташқи иқлим ва механик таъсирларни ҳисобга олиб фойдаланиш шартлари бажарилишини;
- в) темир йўл инфратузилмаси ва ушбу инфратузилмада фойдаланилаётган бошқа ҳаракатдаги темир йўл таркиби билан техник мослашувчанликни;
- г) ғилдиракларни издан чиқиб кетишига бардошлиликни;
- д) темир йўлларнинг оғма участкаларида ағдарилиб кетишга бардошлиликни;
- е) тўхтаб туриш жойидан ўз-ўзидан кетиб қолишининг олди олинишини;
- ж) тортиш ва тормозлаш режимларида динамик кучланишни узатиш учун поездлардаги уланишни;

з) йўл қўйилган тормозлаш йўлини;

и) пагонли кучланишининг, темир йўлга таъсир бўйича йўл қўйилган чегаравий кучларнинг, ҳисобланган ўқ юкламаларининг ошиб кетмаслигини;

к) ҳаракатдаги темир йўл таркиби таркибий қисмлари темир йўлга тушишининг олди олинишини;

л) тортиш кучи, тормозлаш ва тезланиш қийматларининг йўл қўйилган чегаравий кўрсаткичларига мувофиқликни;

м) санитар-эпидемиологик ва экологик хавфсизликни;

н) ускуна ва жиҳозларнинг хавфсиз ишлашини таъминлаш қисми бўйича электр жиҳозларнинг электромагнит мослашувчанлигини;

о) электр жиҳозларининг темир йўл транспорти инфратузилмасининг темир йўл автоматика ва телемеханика, темир йўл электр алоқа қурилмалари билан электромагнит мослашувчанликни;

п) ёнғин хавфсизлиги талабларининг бажарилишини;

р) юкларнинг йўл қўйилган режимларида ва таъсирларда мустаҳкамликни;

с) бўйлама ва кўндаланг ҳисобланган динамик юкламаларни қўллашда пластик деформацияларнинг бўлмаслигини;

т) юкларнинг кам циклли ва кўп циклли режимларида чарчашга қаршиликни;

у) фойдаланиш режимларининг барча диапазонларида (электр таъминотининг номинал ва чегаравий режимларида) электр жиҳозлари ишининг хавфсизлиги ва ишончлилигини;

ф) механизация воситаларини қўллаб юк ортиш ва юк туширишда юк, почта ва багаж вагонлари конструкциясининг хавфсизлигини;

х) тепаликлардан тарқатишда вагонларнинг уланишини;

ц) ҳаракатдаги темир йўл таркиби таркибий қисмларининг бир-бири билан ва конструкторлик ҳужжатларида назарда тутилмаган темир йўл транспорти инфратузилмаси элементлари билан уриниш нукталарининг мавжуд эмаслигини;

ч) темир йўлларнинг оғма участкаларида ҳаракатдаги темир йўл таркибининг уланишини, идораларга қарашли темир йўл шохобча йўллари орқали вагонларнинг уланган ва яқка ҳолда ҳаракатланиш имкониятини;

ш) энергетик самарадорлик талабларига мувофиқликни таъминлаши лозим.

### **Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмларини лойиҳалашга қўйиладиган талаблар**

10. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмларини лойиҳалаштиришда лойиҳаловчи (ишлаб чиқувчи) инсонлар, жониворлар ва ўсимликлар ҳаёти ва соғлиғига зарарли ва (ёки) хавфли таъсирларнинг экологик қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларни таъминлайдиган ечимни танлаши лозим.

11. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмларининг лойиҳаловчи (ишлаб чиқувчи) томонидан танланган конструкциялари белгиланган ресурси ва (ёки) хизмат муддати, белгиланган сақлаш муддати даврида хавфсиз бўлиши, шунингдек, фойдаланиш вақтида улар учраши мумкин бўлган таъсирлар ва юкламаларга бардош бериши лозим.

12. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмларини лойиҳалаштиришда лойиҳаловчи (ишлаб чиқувчи) ҳаракатдаги темир йўл таркибининг тўқнашуви ва (ёки) издан

чикиши ҳолатида хизмат кўрсатувчи ходимлар ва (ёки) йўловчиларни муҳофаза қилиш учун авариявий крэш-тизимларни назарда тутиши лозим.

13. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмларини лойиҳалаштиришда лойиҳаловчи (ишлаб чиқувчи) ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмларининг хавфсиз ишлашини таъминловчи дастурий воситаларни назарда тутиши лозим.

14. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва (ёки) унинг таркибий қисмларининг конструкциясига ўзгартиришлар киритилганда, мазкур Техник регламентда назарда тутилган, лойиҳалашда белгиланган хавфсизлик талаблари пасайтирилиши мумкин эмас.

15. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмларининг конструкциясига ёки тайёрланиш технологиясига хавфсизликка таъсир этувчи ўзгартиришлар киритилган ҳолларда, шунингдек, хизмат муддатини узайтириш билан модернизация қилинганда, кўрсатиб ўтилган темир йўл маҳсулотининг мазкур Техник регламент 4-бобида белгиланган тартибда мувофиқлиги мажбурий тасдиқлашдан ўтказилиши лозим.

16. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмларини Ўзбекистон Республикаси ички бозорига муомалага чиқариш мувофиқлик сертификати мавжуд бўлганда амалга оширилади. Мувофиқликни баҳолаш (тасдиқлаш) жараёнларидан ўтган ва Техник регламент талабларига жавоб берадиган ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмлари мувофиқлик миллий белгиси билан тамғаланади.

Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмлари яхши фарқланадиган идентификация ва огоҳлантирувчи ёзувларга ҳамда тамғага эга бўлиши, шунингдек, ундан фойдаланиш бўйича қўлланмада такрорланиши ва тушунтирилиши лозим.

17. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби конструкциявий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқарилган йилидан қатъи назар, ҳаракатдаги темир йўл таркиби идентификацияланишини таъминловчи қуйидаги тамғага эга бўлиши лозим:

- а) мувофиқлик белгиси;
- б) ишлаб чиқарувчи-корхона номи ва (ёки) унинг товар белгиси;
- в) маҳсулот номи ва (ёки) серияси ёки русумининг белгиси, рақами;
- г) ишлаб чиқарилган санаси;
- д) тара оғирлиги;
- е) конструкциявий тезлик;
- ж) ўтказилган таъмирлар тўғрисида белги ёки ёзув;
- з) юк кўтариш қобилияти (юк, почта ва багаж вагонлари учун);
- и) йўловчилар учун жойлар сони (йўловчилар ёки тезкор-таъмирлаш ходимларини ташиш учун мўлжалланган ҳаракатдаги темир йўл таркиби учун).

18. Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг таркибий қисмлари конструкциявий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқарилган йилидан қатъи назар, таркибий қисмлар идентификацияланишини таъминловчи қуйидаги тамғага эга бўлиши лозим:

- а) мувофиқлик белгиси;
- б) ишлаб чиқарувчи корхона номи ёки унинг товар белгиси, темир йўл маҳсулоти номи;
- в) ишлаб чиқариш санаси.

Агар конструкциявий хусусиятларига кўра тамғани ҳаракатдаги темир йўл таркиби таркибий қисмларига бевосита тушириш имкони бўлмаса, уни фақат ўрамга туширилишига ва ҳаракатдаги темир йўл таркиби таркибий қисмларига илова қилинадиган фойдаланиш ҳужжатларидагина акс эттирилишига йўл қўйилади.

19. Ҳаракатдаги темир йўл таркибига ўрнатилган ўлчаш воситалари тасдиқланган турда ҳамда метрология соҳасидаги қонунчиликка мувофиқ қиёслаш белгиси ва (ёки) қиёслаш тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлиши лозим.

20. Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг ғилдирак жуфтликлари конструкциявий ҳужжатларга мувофиқ тамғага ва тамғалаш белгиларига эга бўлиши лозим.

21. Юк вагонлари аравачаларининг рама ва балкалари конструкциявий ҳужжатларга мувофиқ қуйидаги қуйма тамға белгиларига эга бўлиши лозим:

- а) ишлаб чиқарувчининг шартли рақами;
- б) ишлаб чиқарилган йилининг охириги икки рақами;
- в) ишлаб чиқарувчининг рақамлаш тизими бўйича рама ва балкаларнинг тартиб рақами;
- г) пўлат маркасининг шартли белгиси.

22. Юк вагонлари аравачаларининг рама ва балкалари конструкциявий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқарувчининг тамға белгиларига, рама ва балка нуқсонлари пайвандлаш орқали тўғрилланган ҳолларда — пайвандчининг тамғасига эга бўлиши лозим.

23. Машинист кабинаси, йўловчи вагонлари ва моторвагонли ҳаракатдаги таркибнинг ойналари конструкциявий ҳужжатларга мувофиқ қуйидаги тамғага эга бўлиши лозим:

- а) мувофиқлик белгиси;
- б) ишлаб чиқарувчи номи ва (ёки) унинг товар белгиси;
- в) ойна тури белгиси;
- г) ҳимоя классификацияси;
- д) сертификатлаш тўғрисидаги маълумотлар.

24. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмларини фойдаланишга топширишда фойдаланиш ва таъмирлаш ҳужжатларининг комплекти мавжуд бўлиши шарт.

Ишлаб чиқарилган, мувофиқлиги мажбурий тасдиқланиши лозим бўлган ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмлари улардан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш юзасидан талаб ва тартиблар кўрсатилган фойдаланиш бўйича тегишли қўлланмалар мавжуд бўлган ҳолларда муомалага чиқарилади.

25. Тамға, фойдаланиш ва таъмирлаш ҳужжатлари давлат тилида бўлиши лозим.

#### **4-§. Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг бошқарув, назорат ва хавфсизлик тизимлари, шунингдек, дастурий воситасига қўйиладиган талаблар**

26. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби унинг жиҳозлари жойлашуви ва монтажи улардан фойдаланишда, кўрик ўтказишда, техник хизмат кўрсатишда, таъмирлашда хизмат кўрсатувчи ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаши лозим.

Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ундан фойдаланишда, кўрик ўтказишда, техник хизмат кўрсатишда, таъмирлашда хизмат кўрсатувчи ходимларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган зинапоя, тутқич ва мосламаларга эга бўлиши лозим.

27. Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг бошқарув, назорат ва хавфсизлик тизимлари, унинг фойдаланиш бўйича қўлланмасида назарда тутилган ишнинг барча режимларида ва барча ташқи таъсирларида ишчанлик ҳолатини таъминлаши лозим.

Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг бошқарув ва назорат тизимлари хизмат кўрсатувчи ходимларнинг мантиқий хатолари эҳтимолида хавфли ҳолатлар юзага келишини истисно этиши лозим.

28. Бошқарув, назорат ва хавфсизлик тизимлари таркибида ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмлари техник соҳа ҳолатининг хавфсизликка таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни келтириб чиқарувчи бузилишлар ҳақида огоҳлантирувчи сигнал ва ахборот воситалари бўлиши лозим.

29. Ҳаракатдаги темир йўл таркибига ўрнатилган, шунингдек, материал ташувчиларда етказиб бериладиган дастурий воситалар:

а) техник воситаларнинг носозлиги ва (ёки) ишдан чиқиши сабабли юзага келган қайта юкланишлардан кейин иш қобилиятини, шунингдек, ўзининг носозликларида бутунликни;

б) маълумотни сақлаш, киритиш, қайта ишлаш ва чиқаришда компьютер вирусларидан, рухсат этилмаган фойдаланишдан, ишдан чиқиш оқибатларидан, хатолар ва носозликлардан, ахборотнинг тасодифий ўзгариши эҳтимолларида ҳимояланишни;

в) илова қилинган ҳужжатларда баён қилинган хоссалар ва тавсифларга мувофиқликни таъминлаши лозим.

30. Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг бошқарув, назорат ва хавфсизлик тизими электр, гидравлик ва (ёки) пневматик қисмлари аппаратларининг носозликларида, тортиш узатмаси ва бошқа жиҳозлар ишлаши, дастурий таъминот тўхтаб қолиши ҳолатларида ҳаракатдаги темир йўл таркиби хавфсиз ҳолатининг бузилишига олиб келувчи иш режими ва тавсифлар ўзгаришларига йўл қўймаслиги лозим. Бошқарув тизими тўхтаб қолиши, борт қурилмаларининг соҳа ишлашида, ҳаракатдаги темир йўл таркибининг тўхтаб қолишига ва унинг лойиҳавий тавсифлари ўзгаришига олиб келмаслиги лозим.

#### **5-§. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби жиҳозланишига қўйиладиган талаблар**

31. Ҳаракатдаги темир йўл таркибини бошқарадиган асбоб ва қурилмалар:

- а) конструкциявий ҳужжатларга мувофиқ ёзув ва (ёки) рамзлар билан таъминланган бўлиши;
- б) шундай лойиҳалаштирилиши ва жойлаштирилиши лозимки, уларнинг ихтиёрий бўлмаган ёқирилиши, ўчирилиши ёки ўзгартирилишини истисно қилиши;

в) бажарадиган функциялари, фойдаланиш даражаси ва изчиллигини инобатга олган ҳолда жойлаштирилиши лозим.

32. Юк ташишда ишлатиладиган локомотивлар, шунингдек, махсус ҳаракатдаги темир йўл таркиби қуйидаги қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши лозим:

а) поезд радиоалоқаси;

б) ҳаракат тезлигини назорат қилиш асбоблари;

в) ҳаракат параметрларининг регистратори;

г) локомотив автоматик сигнализацияси;

д) пневматик тормоз магистрالي зичлигини назорат қилиш қурилмаси;

е) кириш ва чиқиш светофорларига, темир йўл кесишмалари ва бекатларига яқинлашганда ҳаракат тезлигини назорат қилиш ва нутқий ахборотни олиш (узатиш) имкониятини таъминловчи автоматик бошқарув тизими;

ж) автоматик ёнғин сигнализацияси.

33. Йўловчи ташишда ишлатиладиган локомотивлар қуйидаги қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши лозим:

а) поезд радиоалоқаси;

б) кириш ва чиқиш светофорларига, темир йўл кесишмалари ва бекатларига яқинлашганда ҳаракат тезлигини назорат қилиш ва нутқий ахборотни олиш (узатиш) имкониятини таъминловчи автоматик бошқарув тизими;

в) автоматик ёнғин сигнализацияси;

г) ҳаракат параметрларининг регистратори;

д) локомотив автоматик сигнализацияси;

е) электропневматик тормоз.

34. Юк ташиш ва йўловчи ташишда ишлатиладиган ҳамда битта машинист билан хизмат кўрсатадиган локомотивлар мазкур Техник регламентнинг 32 ва 33-бандларида келтирилган қурилмаларга қўшимча равишда қуйидаги қурилмалар билан жиҳозланиши лозим:

а) поезд тормозланишини автоматик бошқариш тизими ёки локомотив комплекс хавфсизлик қурилмаси;

б) машинист хушёрлигини назорат қилиш тизими;

в) орқа кўриниш кўзгуси ёки шунга ўхшаш қурилмалар;

г) тормоз блокировкаси;

д) ёнғин ўчириш тизими.

35. Манёвр локомотивлари қуйидаги қурилмалар билан жиҳозланиши лозим:

а) вагонлардан масофавий узилиш;

б) манёвр локомотивларидан фойдаланиладиган участкаларда ишлатиладиган манёвр радиоалоқаси билан мос келувчи манёвр радиоалоқаси.

36. Битта машинист билан хизмат кўрсатиладиган манёвр локомотивлари мазкур Техник регламентнинг 35-бандида келтирилган қурилмаларга қўшимча равишда қуйидаги қурилмалар билан жиҳозланиши лозим:

а) иккинчи бошқарув пульти;

б) орқа кўриниш кўзгуси ёки шунга ўхшаш қурилмалар;

в) машинист локомотивни бошқариш қобилиятини тўсатдан йўқотган ҳолатда автоматик тўхташни таъминловчи қурилма.

37. Моторвагонли ҳаракатдаги таркиб қуйидаги қурилмалар билан жиҳозланиши лозим:

а) поезд радиоалоқаси;

б) кириш ва чиқиш светофорларига, темир йўл кесишмалари ва бекатларига яқинлашганда ҳаракат тезлигини назорат қилиш ва нутқий ахборотни олиш (узатиш) имкониятини таъминловчи автоматик бошқарув тизими;

в) ҳаракат параметрларининг регистраторлари;

г) локомотив автоматик сигнализацияси;

д) электропневматик тормоз;

е) «йўловчи-машинист» алоқаси;

ж) эшиклар ёпилишини назорат қилиш сигнализацияси;

з) автоматик ёнғин сигнализацияси.

38. Юк ва йўловчи ташишда ишлатиладиган локомотивлар, моторвагонли ҳаракатдаги таркибнинг бош вагонлари, шунингдек, ўзюорар махсус ҳаракатдаги темир йўл таркиби, ҳаракат

хавфсизлигини таъминлашга ёрдам берувчи сунъий йўлдош навигация ускуналари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

39. Локомотивлар, моторвагонли ҳаракатдаги таркиб ва ўзюорар махсус ҳаракатдаги таркибнинг локомотив автоматик сигнализацияси белгиланган ҳаракат тезликлари назоратини таъминловчи, поездни тўхташ жойидан ўз-ўзидан кетиб қолишга тўсқинлик қилувчи, машинист (ҳайдовчи) хушёрлигини даврий текширувчи хавфсизлик қурилмалари билан жиҳозланиши лозим.

Машинист (ҳайдовчи) томонидан локомотивни, моторвагонли ҳаракатдаги таркибни, ўзюорар махсус ҳаракатдаги темир йўл таркибни бошқариш қобилиятини йўқотган ҳолатда, кўрсатиб ўтилган қурилмалар поездни автоматик тўхташни таъминлаши лозим.

40. Локомотив, моторвагонли ҳаракатдаги таркиб ва ўзюорар махсус ҳаракатдаги темир йўл таркиби машинистининг кабинаси конструкцияси қуйидагиларни таъминлаши лозим:

а) «ўтириш» ва «тик туриш» ҳолатидаги локомотив бригадасига ҳаракатланиш йўли, пол устки сигналлари, қўшни йўллар, таркиблар ва контакт тизимини ҳеч қандай тўсқинликсиз кўриши;

б) локомотив бригадаси ходимларидан бирининг «тик туриш» ҳолатида вагонлар таркибига яқинлашганда ва манёврларда иштирок этаётган ходимларнинг иш зонасидан кўринишини;

в) йил ва сутканинг хоҳлаган вақтида, ҳар қандай об-ҳаво шароитларида, ҳаракатнинг барча тезликларида машинист (ҳайдовчи) кабинасидан ҳеч қандай тўсқинликсиз кўриниши.

41. Локомотив, моторвагонли ҳаракатдаги таркиб ва ўзюорар махсус ҳаракатдаги темир йўл таркиби машинисти (ҳайдовчиси) кабинасининг олд ойналари деразаларга ишончли маҳкамланган бўлиши ва зичлаштиргичларга эга бўлиши лозим.

42. Локомотив, моторвагонли ҳаракатдаги таркиб ва ўзюорар махсус ҳаракатдаги темир йўл таркиби машинисти (ҳайдовчиси) кабинасининг режалаштирилиши, локомотив бригадаси иш жойи, бошқариш асбоблари ва қурилмалари, ахборотни кўрсатиш тизимларининг жойлашиши, машинист (ҳайдовчи) ўриндиғининг конструкцияси эргономика ва тизимли техника талабларига жавоб бериши лозим.

Бошқарув пульти ҳамда машинист (ҳайдовчи) ва унинг ёрдамчиси иш жойини лойиҳалаштиришда, «тик туриш» ва «ўтириш» ҳолатларидан бошқариш қулайлигини таъминловчи эргономика талаблари ҳисобга олинishi лозим.

Бошқарув қурилмалари ва асбоблари, ўлчов асбоблари, бошқарув пултидаги нурли индикаторларнинг жойлашиши ва конструкцияси, кундузи ва тунги вақтда, нурнинг тўғридан-тўғри тушиши ёки акс этишидан ҳосил бўлувчи шуълалар мавжуд бўлмаганда кўрсатиб ўтилган асбоблар кўрсаткичларининг кўринишини таъминлаши лозим.

Машинист (ҳайдовчи) кабинасидаги ёритиш параметрлари, ўлчов асбоблари шкалаларининг ёрқинлиги йўл қўйилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар чегарасида бўлиши лозим.

43. Хизмат ва ёрдамчи хоналарга эга изотермик вагон, йўловчи вагон, локомотив, моторвагонли ҳаракатдаги таркиб ва махсус ҳаракатдаги темир йўл таркиблари умумий, маҳаллий ва авариявий ёритиш тизимлари билан жиҳозланиши лозим.

Авариявий ёритиш тизими асосий таъминлаш манбасида кучланиш бўлмаган вақтда, автоном таъминлаш манбасига (аккумулятор батареясига) автоматик ўтишини таъминлаши лозим. Бунда авариявий ёритишни қўлда ёқиш имконияти назарда тутилган бўлиши лозим.

44. Локомотив, моторвагонли ҳаракатдаги таркиб ва ўзюорар махсус ҳаракатдаги темир йўл таркиби машинисти (ҳайдовчиси) кабинасидан ёрдамчи мосламалардан фойдаланган ҳолда ён деразалар орқали авариявий чиқиш назарда тутилган бўлиши лозим.

Хизмат ва ёрдамчи хоналарга эга изотермик вагон, йўловчи вагон, моторвагонли ҳаракатдаги таркиб ва махсус ҳаракатдаги темир йўл таркиби вагонининг ҳар бир томонидан авариявий чиқишлар билан жиҳозланиши ҳамда зарур ҳолларда хизмат кўрсатувчи ходимлар ва (ёки) йўловчиларни авариявий эвакуация қилиш воситаларига эга бўлиши лозим.

Авариявий чиқиш жойини очишга битта одамнинг кучи етарли бўлиши лозим.

45. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби хизмат кўрсатувчи ходимлар ва (ёки) йўловчилар учун мўлжалланган ички хоналарнинг ойналари, ҳаракатдаги темир йўл таркибига тўхтаб турганида ёки ҳаракатланиш йўлида зарбали таъсирлар бўлган ҳолатларда хизмат кўрсатувчи ходимлар ва (ёки) йўловчилар хавфсизлигини таъминлаши лозим.

46. Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг кўздан кечириш, созлаш ва техник хизмат кўрсатиш талаб қиладиган ички қисмлари ҳамда зарур ҳолларда ташқи ишчи жиҳозлар қўшимча ёритиш имкониятига эга бўлиши лозим.

47. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби автоматик тормозлар билан жиҳозланган бўлиши, улар таркибни тормозлаш пайтида секинлашишни ёки ҳисобланган тормозлаш йўли чегарасида тўхташни таъминлаши лозим.

Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг автоматик тормозлари фойдаланишнинг турли шароитларида зарур функционалик ва ишончилиikka эга бўлиши, равон тормозланишни таъминлаши, шунингдек, тормоз магистрали бутунлиги бузилганда ёки ҳаракатдаги темир йўл таркиби бирликларининг рухсатсиз узилишида поезднинг тўхташини таъминлаши лозим.

48. Автоматик тормозлар ҳаракатдаги темир йўл таркибининг юкланиши, таркиб узунлиги ва темир йўл профилига боғлиқ равишда тормозланишнинг турли хил режимларини қўллаш имкониятини таъминлаши лозим.

49. Йўловчи вагонлари ва моторвагонли ҳаракатдаги таркибдаги стоп-кранлар тамбурларда, йўловчи вагонларининг ичкарасида ўрнатилган ва пломбаланган бўлиши лозим.

Хизмат ва ёрдамчи хоналари бўлган изотермик вагонлардаги стоп-кранлар хизмат хоналарида ўрнатилган ва пломбаланган бўлиши лозим.

Ўзиюрар ҳаракатдаги темир йўл таркибида стоп-кранлар зарур ҳоллардагина ўрнатилади.

50. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби тўхтаб туриш тормозлари билан жиҳозланиши лозим. Стандартларга мувофиқ умумий ишлаб чиқарилаётган вагонларнинг бир қисми стоп-кранли ва тўхтаб туриш тормозли ўтиш майдончалари билан жиҳозланиши лозим.

Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг тўхтаб туриш тормозлари ҳисобланган тормозланиш босимини ва ҳаракатдаги темир йўл таркиби бирлигини йўл қўйилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар чегарасида тутиб туришни таъминлаши лозим.

Тўхтаб туриш қўл тормози штурвали, штурвалнинг ўз-ўзидан айланишини истисно қилувчи қурилма билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Автоматик тўхтаб туриш тормозлари қўлланилишига йўл қўйилади.

51. Узилиши ёки синиши темир йўлга тушишини ёки ҳаракатдаги темир йўл таркиби габаритдан ташқарига чиқиб кетишини келтириб чиқарувчи ҳаракатдаги темир йўл таркибининг таркибий қисмлари, ҳимоя қилаётган қурилманинг оғирлигини йўл қўйилган қийматлар чегарасида кўтара оладиган сақловчи мосламаларга эга бўлиши лозим.

52. Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг асосий ҳаво резервуарлари ва аккумулятор батареялари машинист кабинаси, йўловчи ташиш салонлари ва хизмат кўрсатувчи ходимлар учун мўлжалланган хоналарнинг ташқарисида ўрнатилиши лозим.

53. Хизмат ёки шошилишч тормозлаш амалга оширилганда локомотив ва моторвагонли ҳаракатдаги таркиб электродинамик тормозининг (мавжуд бўлганда) ҳаракати пневматик ва электропневматик тормозлар иши билан мос бўлиши шарт. Электродинамик тормоз ишдан чиққанда, уни пневматик тормоз билан автоматик равишда алмаштириш таъминланиши лозим.

54. Тезюрар йўловчи вагонларида тормозлаш самарадорлигини ва ҳаракат хавфсизлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар (масалан, дискли, магнитрельсли тормозларни қўллаш) назарда тутилган бўлиши лозим.

55. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмлари атроф муҳит ҳароратининг рухсат этилган қийматлари доирасида барқарор ишлаши ва ҳарорат рухсат этилган қиймат доирасида қисқа муддатга ошганда ҳам ишчи ҳолатини сақлаб қолиши лозим.

56. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби унинг бирликларини ўз-ўзидан ажралишини истисно қиладиган ва фавқулодда вазиятларда ҳаракатдаги темир йўл таркибининг эвакуация қилинишини таъминлайдиган улаш қурилмаси билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг автосцепка қурилмаси таркибида энергия ютувчи ускунаси бўлиши лозим.

57. Автосцепка қурилмаси билан жиҳозланган йўловчи вагонлари ва моторвагонли ҳаракатдаги таркиб буфер қурилмаси билан жиҳозланган бўлиши лозим.

58. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ғилдирак жуфтликларининг ғилдираклари, ўқи ва бандажи, юк вагонлари аравачаларининг ён рамалари ва рессор усти балкалари конструкторлик ҳужжатларида белгиланган текширувдан ўтиш ёки хизмат муддатининг тўлиқ даврлари давомида нуқсонлар (ёриқлар)нинг юзага келиши ва ривожланишига барқарорликни таъминлайдиган статик қувват захирасига ва чарчокқа қарши зарур коэффицентга эга бўлиши лозим.

Юк вагонларининг ғилдираклари, ўқи ва бандажлари, аравачаларининг ён рамалари ва рессор усти балкаларининг механик хоссалари, зарба қотишқоқлиги ва қолдиқ таранглик ҳолати белгиланган хизмат муддати давомида уларнинг механик хавфсизлигини таъминлаши лозим.

59. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган материаллар ва моддалар одамлар ва атроф муҳит учун хавфсиз бўлиши лозим.

60. Локомотивлар, моторвагонли ҳаракатдаги таркиб, ўзиюрар махсус ҳаракатдаги темир йўл таркибининг машинист (ҳайдовчи) кабиналари, йўловчи вагонлари ва махсус ҳаракатдаги темир йўл таркибининг ички хоналари, махсус ҳаракатдаги темир йўл таркибининг хизмат кўрсатиш ва маиший хоналари, шунингдек, хизмат кўрсатиш ва ёрдамчи хонали изотермик вагонларнинг ҳаётни таъминлаш тизимлари (ҳавони кондиционерлаш-иситиш, вентиляция, совитиш, ёритиш, шовқин ва вибрациядан ҳимоялаш, ҳавони тозалаш, инфратовуш ва ультратовуш, электромагнит нурланишдан ҳимоялаш тизимлари)нинг хусусиятлари (микроклим кўрсаткичлари, шовқин, вибрация, ультратовуш даражаси, электромагнит нурланиш, ёритиш, ҳаво таркиби кўрсаткичлари) иш ўринлари учун рухсат этиладиган қийматлардан ошмаслиги лозим.

Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг ташқи шовқини рухсат этиладиган қийматлардан ошмаслиги лозим.

61. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмларини ишлаб чиқариш, улардан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш жараёнида суюқликлар (кислоталар, ишқорлар, суюлтирилган газлар) ва ёқилғи-мойлаш моддаларидан фойдаланиш инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига, ҳайвонлар ва ўсимликларга хавfli таъсирларнинг юзага келишига олиб келмаслиги лозим.

62. Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг зинапоялари ва тутқичлари ишончли маҳкамланган бўлиши лозим. Зиналар, майдонлар, зинопоялар ва қопламалар юзаси сирпанишга тўсқинлик қилиши лозим.

Вагонлар, махсус ҳаракатдаги темир йўл таркибининг томига кўтарилиш учун мўлжалланган нарвонларга хавф ҳақида огоҳлантирувчи белгилар туширилган бўлиши лозим.

Локомотивлар ва электропоездлар моторли вагонларининг томига олиб чиқувчи нарвонлар ёпилган ҳолатда блокланган бўлиши ва махсус қурилма ёрдамида очилиши лозим.

63. Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг конструкциясида уларни домкрат билан кўтариш учун махсус жойлар инobatга олинган бўлиши лозим. Домкрат бошчаси билан туташшига мўлжалланган сирт уларнинг сирпанишига тўсқинлик қилиши лозим.

Ғилдирак жуфтликлари рельсдан чиқиб кетган ҳолларда ҳаракатдаги темир йўл таркибининг ҳар бир бирлигини кранлар ва домкратлар билан кўтариш, шунингдек, ғилдирак жуфтликлари тишлашиб қолганида уни транспортировка қилиш имконияти инobatга олинган бўлиши лозим.

64. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмлари конструкцияси ва жиҳозларининг ташқарига чиқиб турувчи деталлари хизмат кўрсатувчи ходимлар ва (ёки) йўловчиларни жароҳатлайдиган ўткир ёнлар, қирралар ва бурчакларга эга бўлмаслиги лозим.

65. Йўловчи вагонлари, моторвагонли ҳаракатдаги таркиб вагонларининг салонлари, локомотивлар, моторвагонли ҳаракатдаги таркиб, махсус ҳаракатдаги темир йўл таркибининг машинист (ҳайдовчи) кабиналари, изотермик вагонларнинг хизмат кўрсатиш ва ёрдамчи хоналари ички юзаларини пардозлаш ишлари учун фойдаланиладиган материаллар ва моддаларнинг ёнгин келиб чиқиши ва ривожланиши ҳамда ёнгин хавfli омилларининг инсонларга таъсири кўрсаткичлари рухсат этиладиган хавф даражаси қийматларидан ошмаслиги лозим.

Йўловчи вагонлари вагон кузатувчиларининг купелари мавжуд бўлса, кузатувчи купеси ва йўловчилар салони ораси, купели вагонларда эса купеларнинг ораси ҳам ёнгинни ушлаб қолувчи тўсиқлар билан жиҳозланган бўлиши лозим. Купесиз типдаги вагонларнинг ва купе типдаги вагонлар катта (асосий) йўлагининг шифт усти бўшлиғи ёнгинни ушлаб қолувчи фрамугларни ўрнатиш йўли билан камида учта зонага ажратилган бўлиши лозим.

Вагон русумидаги кузовли локомотивлар, моторвагонли ҳаракатдаги таркибнинг машинист кабинаси вагон типдаги кузовли локомотивлар ёки моторвагонли ҳаракатдаги таркибнинг қолган қисмидан ёнгинни ушлаб қолувчи тўсиқлар билан тўсилган бўлиши лозим.

66. Йўловчи вагонлари ва моторвагонли ҳаракатдаги таркибда хизмат кўрсатувчи ходимлар ва йўловчиларнинг ўтиш йўлаклари бўйлаб вагондан вагонга хавфсиз ўтиши таъминланиши лозим. Ўтиш майдончаларининг конструкцияси ёпиқ турда бўлиши лозим, яъни хизмат кўрсатувчи ходимлар ва йўловчиларнинг ҳаракатдаги темир йўл таркибининг ташқи элементлари, темир йўл транспорти инфратузилмаси элементлари (контакт тармоғи, изнинг устки тузилиши ва бошқалар) билан тасодифий алоқа қилиш эҳтимолини истисно қилиши, шунингдек, хизмат кўрсатувчи



ходимлар ва йўловчилар ўтиш майдонида бўлган вақтида уларга нисбатан атроф муҳит омилларнинг салбий таъсирини минималлаштириши лозим.

67. Йўловчи вагонлари, хизмат кўрсатиш ва ёрдамчи хонали изотермик вагонлар юқоридаги ухлаш жойларининг конструкцияси ва маҳкамланиши, хизмат кўрсатувчи ходимлар ва (ёки) йўловчиларнинг шикастланишига олиб келадиган, қулаш ёки эгилиш эҳтимолини истисно этиши лозим.

Юқоридаги ухлаш жойлари хизмат кўрсатувчи ходимлар ва йўловчилар йиқилишининг олдини оловчи тўсиш камарлари ёки бортлари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

68. Йўловчи вагонлари ва моторвагонли ҳаракатдаги таркибнинг ўриндиқлари ва диванлари полга мустаҳкам қилиб маҳкамланган бўлиши ва уларни, шу жумладан, шошилиш тормозлаш вақтида ағдарилиш эҳтимолини истисно этадиган конструкцияга эга бўлиши лозим.

Йўловчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг шахсий юкларини жойлаштириш ва маҳкамлаш жойлари шундай ҳисоб-китоб билан амалга оширилган бўлиши керакки, бунда шошилиш тормозлаш ва (ёки) аварияли эвакуация вақтида йўловчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар шикастланмаслиги лозим.

Йўловчи вагонлар, моторвагонли ҳаракатдаги таркиб вагонлари ва хизмат кўрсатиш ва ёрдамчи хоналарга эга изотермик вагонларнинг жойлашув режаси, йўловчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар учун жойларнинг жойлашуви эргономика ва системотехника талабларига жавоб бериши лозим.

69. Кўп секцияли локомотивлар локомотив бригадасининг бир секциядан иккинчисига хавфсиз ўтишини таъминлаш учун ёпиқ типдаги ўтиш майдончалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

70. Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг дизел, электр машиналар, вентиляторлар, компрессорлар ва бошқа асбоб-ускуналарининг айланадиган қисмлари хизмат кўрсатувчи ходимлар ва йўловчиларнинг ҳаракатдаги темир йўл таркибининг ҳаракатланадиган қисмлари билан тасодифий алоқасини истисно қилувчи махсус қурилмалар билан тўсилган бўлиши лозим.

71. Капот типдаги кузовга эга бўлган локомотивлар ён ва чекка майдонларга эга бўлиши лозим. Ён ва чекка майдонларнинг ташқи томонида, оралик тўсиқларга эга бўлган тутқич — ғовлар ўрнатилиши лозим. Майдончалар полининг ташқи периметри бўйлаб чекловчи планкалар ўрнатилган бўлиши лозим.

72. Локомотивлар, моторвагонли ҳаракатдаги таркиб, йўловчи ва изотермик вагонларнинг электр жиҳозлари ортиқча юкланишда, қисқа туташувларда, ерга туташувларда, электр жиҳозларининг ортиқча кучланишида, шунингдек, рекуператив тормозлаш, жойидан жилмасдан айланиш ва ғилдирак жуфтликларининг сирғалишлари пайтидаги контакт тармоғидаги кучланишни ечиш пайтида ишлаб кетувчи ҳимоя ва сигнализацияга эга бўлиши лозим. Ҳимоянинг ишга тушиши электр жиҳозларининг шикастланишини истисно этиши ва хавфли оқибатларга: туташуш ёки ёнғинга олиб келувчи рухсат этилмайдиган қизиқ кетишга ва (ёки) электр жиҳозлари изоляциясининг тешилишига олиб келувчи ортиқча кучланишларга олиб келмаслиги лозим.

73. Ҳаракатдаги темир йўл таркибнинг кучланиш остида бўлган электр жиҳозларининг ҳимояланмаган (изоляцияланмаган) қисмлари уларга хизмат кўрсатувчи ходимлар ва (ёки) йўловчилар тасодифий киришининг олдини оловчи ҳимояга эга бўлиши лозим.

Электр жиҳозларининг металл қобиклари, шунингдек, носозлигида рухсат этилган қийматлардан каттароқ кучланиш остида бўлиб қолиши мумкин бўлган барча тўсиқлар (шу жумладан, қувурлар), ток ўтказувчи қисмларни маҳкамлаш учун конструкциялар ҳаракатдаги темир йўл таркибининг корпусига уланиши (ерга улаш мақсадида) лозим.

74. Локомотивлар, моторвагонли ҳаракатдаги таркиб, йўловчи вагонлари, махсус ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва автоном энергетика қурилмалари изотермик вагонлар электр ҳимоя воситалари тўпламини сақлаш учун махсус жойлар, шунингдек, мазкур бандда келтирилган ҳаракатдаги темир йўл таркибига техник хизмат кўрсатиш ва хавфсиз фойдаланиш учун зарур бўлган бошқа махсус ускуналар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

75. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмлари томонидан келиб чиқаётган электромагнит шовқинлар даражаси кўрсаткичлари темир йўл транспортининг инфратузилма объектлари ва унда фойдаланилаётган ҳаракатдаги темир йўл таркибининг иш самарадорлигига ушбу шовқинлар таъсир қилмайдиган доирадаги қиймат кўрсаткичларидан ошмаслиги лозим.

76. Аккумулятор қутиси портлаш хавфидан ҳоли бўлиши лозим.

77. Локомотивлар, моторвагонли ҳаракатдаги таркиб, махсус ҳаракатдаги темир йўл таркиби, йўловчи ва изотермик вагонлар ёнғин сигнализацияси тизимлари, ёнғин ўчириш қурилмалари, ёнғин ўчириш ускуналарини жойлаштириш учун махсус жойлар, ёнғинга қарши ускуналар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Ёнғин сигнализацияси тизимлари ёнғин жойини кўрсатувчи акустик ва (ёки) оптик маълумотларни узатиш, қабул қилиш — назорат мосламаси билан хабар берувчилар алоқа линияларидаги носозликлар (қисқа туташув, узилиш)ни автоматик равишда аниқлаш, шунингдек, уларнинг созлигини мунтазам текшириш имконияти таъминланган бўлиши лозим.

78. Автоном энергетика қурилмалари локомотивлар ва изотермик вагонлар, дизел-поездлар, дизел-электropоездлар, рельсли автобуслар, ўзиюрар махсус ҳаракатдаги темир йўл таркиби ўт ўчиргичлар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

79. Вагон туридаги кузовли локомотивлар ёрдамчи машинистни машина (дизел) хонасидан машинист кабинасига чақириш учун ёруғлик ва овозли сигналга эга бўлиши лозим.

80. Автоном энергетика қурилмалари локомотивлар, дизел-поездлар, рельсли автобуслар, дизел-электropоездлар, автоном энергетика қурилмалари изотермик вагонлар ва ўзиюрар махсус ҳаракатдаги темир йўл таркибининг вентиляция тизими машинист кабинасига, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг хоналарига, шунингдек, йўловчи салонларига чиқинди газлар ва чанг кириши эҳтимолини истисно этиши лозим.

Автоном энергетика қурилмалари локомотивлар, дизел-поездлар, рельсли автобуслар, дизел-электropоездлар, автоном энергетика қурилмалари изотермик вагонлар ва ўзиюрар махсус ҳаракатдаги темир йўл таркибининг машина хонасидаги ҳаво муҳити ҳолатининг хусусиятлари руҳсат этилган қийматлардан ошмаслиги лозим.

81. Вагон типидagi кузовли тепловозлар ва автоном энергетика қурилмалари изотермик вагонлар дизелларининг совитиш тизими конструкцияси хизмат кўрсатувчи ходимларнинг тепловоз ёки изотермик вагоннинг томида турмасдан, совутиш тизимини ёнилғи билан тўлдириш имкониятини таъминлаши лозим.

82. Йўловчи вагонлар қуйидаги қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши лозим:

а) ҳавони кондиционерлаш (иситиш, совитиш, вентиляция қилиш) тизими. Бунда чекиш жойлари ҳавони рециркуляциясиз хонадан ташқарига чиқариб юборадиган алоҳида вентиляция тизими билан жиҳозланган бўлиши лозим;

б) ичимлик ва хўжалик сув таъминоти тизими;

в) экологик тоза ҳожатхона мажмуалари;

г) поезд ички телефон алоқаси;

д) буксалар қизиб кетишининг назорат қилиш тизими;

е) поезд радио эшиттириши;

ж) автоном иситиш тизимларидан фойдаланганда, тутун чиқариш қувурларининг учқун ўчиргичлари.

83. Тезюрар йўловчи вагонлари ушбу Техник регламентнинг 82-бандида кўрсатилган қурилмаларга қўшимча равишда марказлаштирилган электр таъминоти билан жиҳозланган бўлиши лозим.

84. Тезюрар моторвагонли ҳаракатдаги таркиб қуйидаги қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши лозим:

а) ҳавони кондиционерлаш тизими (иситиш, совитиш, вентиляция);

б) поезд ички телефон алоқаси;

в) буксалар қизиб кетишининг назорат тизими;

г) ичимлик ва хўжалик сув таъминоти тизими;

д) экологик тоза ҳожатхона мажмуалари.

85. Моторвагонли ҳаракатдаги таркибнинг бош вагонлари экологик тоза ҳожатхона мажмуалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

86. Хизмат кўрсатиш ва ёрдамчи хоналарга эга бўлган изотермик вагонлар қуйидаги қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши лозим:

а) ҳавони кондиционерлаш тизими (вентиляция, иситиш, совутиш);

б) ичимлик ва хўжалик сув таъминоти тизими;

в) экологик тоза ҳожатхона мажмуалари;

г) буксалар қизиб кетишининг назорат тизими.

87. Озиқ-овқат хомашёси ва озиқа маҳсулотларини ташиш учун мўлжалланган вагонлар ҳар бир озиқ-овқат хомашёси ва озиқа маҳсулотлари учун рухсат этиладиган қийматлардаги ҳарорат, намлик, ҳаво алмашинуви кўрсаткичларини таъминлашлари лозим.

88. Вагон кузатувчиларисиз хизмат кўрсатиладиган йўловчи вагонлари ва моторвагонли ҳаракатдаги таркибнинг вагонлари йўловчиларни локомотив ёки поезд бригадаси билан алоқа ўрнатишлари учун бевосита йўловчи салоида жойлашган қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

89. Йўловчи вагонлари ва моторвагонли ҳаракатдаги таркиб вагонларининг кириш эшиклари хизмат кўрсатувчи ходимлар ва (ёки) йўловчилар хавфсизлигини таъминлайдиган очилиш (ёпилиш) тизимлари (қурилмаси) ва назорат тизими билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Йўловчи вагонларининг кириш эшиклари ҳаракатдаги таркибнинг ҳаракати пайтида йўловчилар ёки бегона шахслар томонидан очилишини истисно этувчи қулфлаш қурилмалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

90. Йўловчи вагонлари ва моторвагонли ҳаракатдаги таркиб вагонларининг кириш эшикларини авариявий очиш уларни штат схемасига мувофиқ қайд қилинган очик ҳолатда амалга оширилиши лозим. Тираб очиладиган типдаги кириш эшикларининг авариявий очилиши поезднинг ҳаракатланиш тезлиги рухсат этилган қийматлар доирасида бўлганда қўл режимида амалга оширилиши лозим.

91. Моторвагонли ҳаракатдаги таркибнинг вагонлари ногиронлиги бўлган ва ёш болали йўловчилар учун мўлжалланган жойлар билан жиҳозланиши лозим.

92. Имконияти чекланган фуқаролар учун мўлжалланган йўловчи вагонлари ва моторвагонли ҳаракатдаги таркибнинг вагонлари қуйидаги қурилмалар билан жиҳозланиши лозим:

- а) ногиронлар аравачасини тез кўтариш, тушириш ва ишончли маҳкамлаш учун қурилмалар;
- б) кенгайтирилган майдонга эга бўлган махсус санузеллар;
- в) энига кенгайтирилган ўтиш жойлари.

93. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби визуал ва овоз сигнал қурилмалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

94. Вагон туридаги кузовли локомотивлар, моторвагонли ҳаракатдаги таркиб ва ўзиюар махсус ҳаракатдаги темир йўл таркиби бош вагонларининг олд қисмлари, шунингдек, капот типдаги кузовли локомотивларнинг чекка қисмлари прожектор ҳамда ўнг ва чап томонларидан иккита буфер сигнал чироқлари билан жиҳозланиши лозим.

Локомотивнинг ҳар бир секциясининг орқа чекка деворига ҳам мустақил бирлик сифатида ишлатилиши мумкин бўлган сигнал чироқлари ўрнатилиши лозим.

Прожектор локомотив, моторвагонли ҳаракатдаги таркиб ва ўзиюар махсус ҳаракатдаги темир йўл таркиби бош вагони симметрияларининг кўндаланг ўқи бўйлаб ўрнатилиши лозим. Прожекторнинг бўйлама нури темир йўлнинг горизонтал текислигига параллел равишда йўналтирилиши лозим. Прожекторни ёқиш схемаси ёруғликнинг номинал бўйлама кучини таъминлайдиган ёркин чироқни ва хира чироқни ёқиш имкониятини назарда тутиши лозим.

Машинист кабинасидан прожекторнинг чироғини алмаштириш ва ёруғлик нурининг йўналишини сошлаш имконияти таъминланган бўлиши лозим.

Йўловчи ташиш вагонлари вагонларнинг чекка деворларининг ҳар иккала томонига ўрнатилган учта сигнал чироқлари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

95. Юк вагонлари тўсиқ белгиларини ўрнатиш учун кронштейнлар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

96. Локомотивлар, моторвагон ҳаракат таркиби ва ўзиюар махсус ҳаракатдаги темир йўл таркиби овозли сигнал мосламалари — баланд овозли (тифонлар) ва паст овозли (хуштак) билан жиҳозланган бўлиши лозим. Тифон ва хуштакни ёқиш мосламаси машинист ва ёрдамчи машинистга оптимал яқин масофада жойлашган бўлиши лозим. Локомотивлар ва моторвагонли ҳаракатдаги таркибнинг овозли сигналларини назорат қилиш тизими бир-бирини тақрорлашга эга бўлиши — механик таъсир йўли билан тифоннинг ҳаво клапанини бевосита тўғридан-тўғри бошқариш учун қурилмаларни ўз ичига олиши лозим.

97. Вагон туридаги тепловозлар, дизел-поездлар, автомотрисалар, рельсли автобуслар, дизел-электropоездлар, автоном энергетика қурилмалари изотермик вагонлар, ўзиюар махсус ҳаракатдаги темир йўл таркибининг машина (дизел) хонаси машинист кабинасидан ёки хизмат кўрсатувчи ходимлар хонасидан тамбур билан ажратилиши лозим. Тамбурдан машинист кабинаси ёки хизмат кўрсатувчи ходимлар хонасига эркин ўтиш таъминланган бўлиши лозим.

98. Ёпиқ юк, изотермик, почта ва багаж вагонларининг ён эшиклари улар тўлиқ очилганида эшикнинг жойи ўзгаришини чеклаш учун қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши лозим. Эшиклар, қопқоқлар ва уларнинг қулфлари бир кишининг кучи билан очилиши лозим. Ён эшиклари бўлган ёпиқ юк вагонлари ётиш жойи, дераза рамалари, эшик қулфлаш мосламалари, қурол қўйиш жойи ва иситгич тўплаларини ўрнатиш учун ечилмайдиган ускуналар билан жиҳозланиши лозим.

Томида сочилувчан юкларни ортиш учун люкларга эга бўлган ёпиқ юк вагонларининг томи тахта супалар ва ушбу тахта супаларга чиқиш учун нарвонлар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

99. Цистернали вагонлар қозоннинг ташқарисидаги ҳар икки томонидан бўртма зинали ва тутқичли зинаполяр билан жиҳозланган бўлиши лозим. Мақсадидан келиб чиққан ҳолда цистернанинг қозони ва рамаси тегишли конструкциядаги ерга улаш тизимлари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Цистернали вагонларнинг қозонлари тепа ёки пастки тўкиш қурилмаси, қуйиш-тўкиш арматураси, ҳимояловчи киритиш-чиқариш клапанлари, бошқа зарур арматура, шунингдек, ички зинапоя билан, суюлтирилган газ учун мўлжалланган қозонлар эса — ҳимояловчи мембраналар билан ҳам жиҳозланган бўлиши ва қозонлар герметиклигини таъминлаши лозим.

Цистернали вагонларнинг махсус турдаги қозонлари қулфлаш ва қулфли-бошқариш арматуралари билан жиҳозланган, шунингдек, назорат асбобларини ўрнатиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Цистернали вагонларнинг қозонлари вагон издан чиққанида қуйиш-тўкиш арматурасининг синиши ҳамда ташилаётган суюқлик ва газларнинг қозондан оқиб чиқишининг олдини олиш учун хавфсизлик қурилмалари билан жиҳозланиши лозим.

100. Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмлари, уларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган материаллар ва моддалар белгиланган хизмат муддати тугагандан сўнг уларни хавфсиз қайта ишлаш ёки утилизация қилиш имконияти учун мўлжалланган бўлиши лозим.

Темир йўл кесишмаларидан фойдаланаётган темир йўл транспортининг барча ташкилотлари, йўл хўжалиги ва йўл ҳаракати иштирокчилари темир йўл кесишмаларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шартларидан бирига риоя қилишлари шарт.

Темир йўл транспорти темир йўл кесишмасида бошқа барча транспорт турлари олдида ҳаракатланиш устунлигига эга.

Темир йўл учусткаларида поездлар ва инсон тўқнашуви ҳамда темир йўл излари ва автомобил кесишмаларида ҳалокатли вазиятларни олдини олиш мақсадида юқорида келтириб ўтилган темир йўл кесишмаларида ўрнатилган тартиб –қоидалар, техник ва технологик талабларга тўла риоя қилиш лозим.

Ижрочи: “Ўзтемирйўлназорат” инспексияси Бухоро филиали  
локомотив хўжалиги бўйича бош инспектор А.Косимов